

Муфтий шайх Равил Гайнутдин Ўзбекистон муфтийсига табрик йўллади



10:04 / 20.10.2021 1446

Аввал хабар қилганимиздек, куни кеча Ўзбекистон муслмонлари идораси Уламолар Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди ва Тошкент шаҳри бош имом-хатиби сифатида ишлаб келаётган **Нуриддин домла Холиқназаров** Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий лавозимига сайланди. Шу муносабат билан янги сайланган муфтийга Россия Федерацияси муслмонлари диний идораси раиси, муфтий шайх Равил Гайнутдин Ўзбекистон муслмонлари идора раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровга табрик йўллади. Унда шундай дейилади:

– Россия Федерацияси муслмонлари диний идораси, Россия муфтийлари Кенгаши ва ўз номидан Сизни юксак лавозимга тайинлаганингиз билан чин юракдан муборакбод этаман. Аллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр ато этишини сўрайман.

Муслмон халқлари яқинлигининг бой тарихига асосланган икки томонлама Россия – Ўзбекистон муносабатларининг кўп қирралигини юқори баҳолаймиз. Ўзбекистон ва Россия муслмонлари кўп асрлик қардошлик ва биродарлик тарихий алоқаларига эгадир. Бунга муборак

Ислом дини асоси бўлган тинчлик ва яратувчилик ғоялари замин бўлмоқда.

Сизга келгуси ишларингизда Аллоҳ таолодан мустаҳкам соғлиқ, маънавий ва жисмоний куч-қувват ато этишини сўраймиз. Россия ва Ўзбекистон, қолаверса, бутун дунё мусулмонлари манфаати учун мусулмон идораларнинг янада самарали ҳамкорлиги ривожланишига чин дилдан умид қиламиз.

Сизга ва яқинларингизга бахт ва фаровонлик тилаймиз. Омин!

***Хурмат ва эзгу дуолар ила, Муфтий-Шайх Равил Гайнутдин
Россия Федерацияси мусулмонлари диний идораси раиси
Россия муфтийлар кенгаши раиси
Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги
Диний бирлашмалар билан алоқалар Кенгаши аъзоси***